

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВ СУЮН АРТИҚОВИЧ

**МИЛЛИЙ МАҲСУЛОТ ҲАЖМИ, ТАРКИБИ ВА ҲАРАКАТ
ШАКЛЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ЎЗARO БОҒЛИҚЛИКНИНГ НАЗАРИЙ-
УСЛУБИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.01 – Иқтисодиёт назарияси
Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) dissertation abstract

Абдуллаев Суюн Артиқович

Миллий маҳсулот ҳажми, таркиби ва ҳаракат шакллари ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш.... 3

Абдуллаев Суюн Артиқович

Совершенство теоретико-методологической основы взаимосвязи объёма национального продукта, его составных частей и формы движения 33

Abdullayev Suyun Artikovich

Perfection of the theoretical-methodological basis of the interrelation between the volume of the national product, its structure and movement forms..... 62

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 67

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВ СУЮН АРТИҚОВИЧ

**МИЛЛИЙ МАҲСУЛОТ ҲАЖМИ, ТАРКИБИ ВА ҲАРАКАТ
ШАКЛЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ЎЗARO БОҒЛИҚЛИКНИНГ НАЗАРИЙ-
УСЛУБИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.01 – Иқтисодиёт назарияси
Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида 28.04.2016/В2016.2.1666 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdiu.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Шодмонов Шерқул Шодмонович
иқтисод фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар:

Абулкасимов Хасан Пирназарович
иқтисод фанлари доктори, профессор.

Тухлиев Нурисло
иқтисод фанлари доктори, профессор.

Муфтайдинов Қиёмиддин
иқтисод фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация химояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___»_____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60-А уй. тел. (99871) 237-53-25), факс: (99871) 237-53-25), e-mail: tfi@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60-А уй. тел. (99871) 237-53-25)

Диссертация автореферати 2018 йил «___»_____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___»_____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Н.Х.Хайдаров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

С.У.Меҳмонов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, и.ф.д., профессор

Ж.И.Каримқулов
Илмий даражасини берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, и.ф.н., доцент

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон мамлакатларида ҳозирги кундаги энг катта муаммо бу ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми ва унинг ўсиш суръатларини оширишдир. Чунки у аҳоли фаровонлиги ва мамлакат тараққиётини жадаллаштиришнинг иқтисодий манбаидир. Лекин жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида сўнгги ўн йилликда ЯИМ ҳажми ва ўсиш суръатлари, унинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган қисми камайиш тенденциясига эгалигича қолмоқда. Фақатгина 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий иқтисодий инқирозидан кейин 2016 йилдан бошлаб айрим мамлакатлардагина ЯИМ ўсиши бўйича жонланиш сезила бошлади, холос. Шунинг учун ҳозирги даврда ЯИМнинг ҳажмини ошириш, барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, унинг таркибий қисмлари ва ҳаракат шакллари такомиллаштириш бўйича жаҳон мамлакатларида турли хил йўналишларда илмий изланишлар олиб борилмоқда, дастурлар, лойиҳалар ва бошқа ишланмалар ишлаб чиқилмоқда.

Бугунги кунда рақобат кураши тобора кучайиб, шиддатли тус олаётган ва жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб бораётган мураккаб вазиятда ҳамда мамлакат аҳолиси сони ва уларнинг истеъмол товарларига бўлган талабининг ошиб бориши ҳисобга олиниб, республика иқтисодиётини жадал ривожлантириш ва ЯИМнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш вазифалари кўйилди. Ўзбекистон Республикасининг келажакда мамлакатни янада ривожлантиришга мўлжалланган стратегик вазифаларида “2030 йилга бориб мамлакатимизда ЯИМ ҳажмини камида 2 баробар ошириш”¹, “Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш”² ҳамда “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да “...ялпи ички маҳсулотнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлаш”³ вазифаларининг белгилаб қўйилиши республикада миллий маҳсулот ҳажми ва ўсиш суръатларини ошириш, кўйилган муаммога мутлақо янгича ёндашиш зарурлиги нақадар долзарб масалалардан эканлиги кўриниб турибди.

Ҳозирги кунда жаҳон мамлакатлари миллий маҳсулот ҳажми ва ўсиш суръатларини оширишнинг турли хил йўналишларида чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқмоқда. Жаҳон иқтисодиётида янги технологияларнинг жорий қилиниши, товар ва хизматлар, ишчи кучи бозорларидаги рақобатнинг кучайиши инновацион фаолиятни янада ривожлантириш ва уни самарали ташкил этишни тақозо этмоқда. Шунинг учун жаҳон мамлакатлари ўз миллий маҳсулоти ҳажмини оширишга моддий ресурслар эмас, балки инновацион ғояларни амалиётга жорий қилиш орқали эришмоқда. Бу эса

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. –Т.: Ўзбекистон, 2016 й. 26-б.

² Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалиқ қондаси бўлиши керак // Халқ сўзи. – Тошкент, 2017 йил, 16 январь.

³ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. http://strategy.gov.uz/uz/pages/action_strategy

жаҳон ялпи ички маҳсулоти таркибида инновацион товар ва хизматлар улушининг ошишига, аҳоли ҳаёт тарзининг ўзгаришига ва жаҳон иқтисодиётининг маълум даражада ўсишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ва 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2692-сон “Саноат тармоқлари корхоналарининг жисмоний ишдан чиққан ва маънавий эскирган машина ускуналарини жадал янгилаш, шунингдек, ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2017 йил 31 июлдаги ПҚ-3165 сон “Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ҳам мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁴. ЯИМнинг мазмуни, унинг ҳажми ва аҳоли жон бошига ўсишини таъминлаш муаммоси ҳамда уни ҳисоблаш ва халқаро таққослаш усуллариини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Economic Development Institute, World bank, Harvard University, Peterson Institute for International Economics, University of Chicago (АҚШ), Organisation for Economic Cooperation and Development (OECD) (Франция), World Intellectual Property Organization (WIPO) (Швецария), Asia-Pacific Economic Cooperation (АПЕС) (Сингапур), Montpellier Business School (Франция), Oxford University (Буюк Британия), Organization for Small and Medium Enterprises and Regional Innovation (SMRJ) (Япония), The Institut für Mittelstandsforschung (IfM) (Германия), Институт экономической политики (ИЭП, Россия), Московский государственный университет (МГУ, Россия) томонидан амалга оширилмоқда.

⁴ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <http://www.montpellier-bs.com/>; <http://www.doingbusiness.org/~media/WBG/DoingBusiness/Documents/Annual-Reports/English/DB16-Full-Report.pdf>; http://www.ncapex.org/docs/what_is_apex.pdf; <http://www.ecatrade.com/smgle-post/2016/03/30/Trans-Pacific-Partnership-Benefits-Small-and-Medium-Sized-Enterprises-in-Global-Production-Chains>; <http://www.smrj.go.jp/index.html>; <http://www.wipo.int/portal/en/index.html>; http://www.meti.go.jp/english/press/2015/pdf/0424_01a.pdf; http://www.ifm-bonn.org/uploads/tx_ifmstudies/workingpaper_02_15.pdf ва бошқа манбалар асосида тайёрланган.

Миллий маҳсулотнинг ҳажми, таркибий қисмлари ва уларни ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш бўйича жаҳонда амалга оширилган илмий-тадқиқотларда қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: ЯИМни ҳаражатлар бўйича ҳисоблаш усуллари юзасидан нотижорат ташкилотларининг пиравард истеъмол ҳаражатларини гуруҳлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган (Economic Development Institute, World bank, Harvard University, Peterson Institute for International Economics, University of Chicago, АҚШ); миллий маҳсулот таркибида ялпи жамғарма унсурларини уларнинг самарадорлигига қараб оптималлаштириш бўйича илмий таклифлар берилган (Organisation for Economic Cooperation and Development (OECD, Франция); иқтисодий ўсиш омилларини корреляцион ва регрессион моделлаштириш орқали ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш йўллари кўрсатилган (World Intellectual Property Organization (WIPO) Швецария, Asia-Pacific Economic Cooperation (APEC), Сингапур, Montpellier Business School, Франция); ЯИМни даромадлар бўйича ҳисоблашда ахборот манбаларини кўпайтириш бевосита ва билвосита усуллари (Oxford University, Буюк Британия); қўшилган қийматлар усулини такомиллаштириш орқали ЯИМ ҳажми ва ўсиш суръатларини таъминлашнинг методологик йўналишлари очиқ берилган (Organization for Small and Medium Enterprises and Regional Innovation (SMRJ), Япония, The Institut fbr Mittelstandsforschung (IfM), Германия); ЯИМ таркибида хуфиёна иқтисодиёт натижаларини тўлароқ ҳисобга олиш механизмини такомиллаштириш бўйича таклифлар (Институт экономической политики, Московский государственный университет, Россия); Петербургский государственный университет, Россия).

Дунёда ЯИМ ҳажми ва унинг ўсиш суръатларини ҳисоблашнинг назарий-методологик усулларини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ЯИМни ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш; ЯИМ ҳажмини янада тўлароқ қамраб олиш мақсадида миллий ҳисоблар тизимини ишлаб чиқариш, даромадлар шаклланиши ва тақсимланиши, капитал билан операциялар бўйича ҳисобламалар таркибини такомиллаштириш; ЯИМ таркибида хуфиёна иқтисодий фаолият натижаларини тўлиқ акс эттириш; ЯИМ таркибида уй хўжалиқларида яратилаётган товар ва хизматлар ҳажмини тўлиқ қамраб олиш механизмларини такомиллаштириш; ЯИМни халқаро таққослаш методологиясини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Миллий маҳсулотнинг таркибий қисмлари ва уларнинг ҳаракат шакллари хориж олимлари томонидан маълум даражада ўрганилган⁵. Жумладан, тўловга қобил талабни

⁵ Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. Пер.с англ. – М.: Гелиос АРВ, 1999. – 352 с.; Фридман М. Если бы деньги заговорили. Пер. с англ. – М.: Дело, 1999. – 160 с.; Самуэльсон П., Нордхаус В. Экономика. Пер. с англ. – М.: Бином – КноРус, 1999. –800 с.; Манделл Р.А. Выбор экономической политики для достижения внутреннего и внешнего равновесия. Этот изменчивый обменный курс. Сборник статей. Пер. с англ. – М.: Дело, 2001. – 155 с., Качество роста [Текст]: монография / В.Томас, М.Дайлами, А.Дхарешвар и др.: Пер. с англ. Сальников А. – М.: Весь Мир, 2001. – 29 с.; Solow R., M.Spins Growth Theory: an exposition (2 nd edition). Oxford: Oxford University Press, 2000. – 190 p.; Charles I.Jones. Introduction to economic growth /I.J. Charles. Stanford University. 1997. - 200 p.; Лукас Р. Лекция по экономическому росту

рағбатлантириш йўли билан макроиқтисодий ўсиш барқарорлигини таъминлаш мумкинлиги Ж.Кейнс, пул массасининг ЯИМ ўсишига таъсири М.Фридмен, П.Самуэльсон, В.Нордхаус, Р.Манделл, В.Томас, М.Дайлами, А.Дхарешвар, ЯИМ ўсишининг ижтимоий натижаларини ошириш, барқарор ўсиш сифатининг мезонларини тадқиқ этиш билан боғлиқ ишлар М.Спинс ва Р.Солоу, меҳнат унумдорлиги ўзгаришининг ЯИМ ўсиш сифатига таъсири Э.Корсо, И.Чарлз, Р.Лукас, институционал бирликларнинг ЯИМ ўсиш сифатига таъсири К.Сэн, ЯИМнинг ўсиш кўрсаткичлари ва уларни баҳолаш бўйича услубий ёндашувлар П.Веллала, М.Мадала, У.Чхаттопадхай, ишсизликни камайтириш, савдони ривожлантириш ва меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган макроиқтисодий сиёсат асосида барқарор ўсиш сифатини ошириш С.Аояги, Г.Ганелли, макроиқтисодий барқарорлик, ишчи кучи ресурслари, таркибий ўзгаришлар ва ташқи савдо эркинлиги асосида ЯИМ ҳажмини ошириш масалалари Р.Ананд, С.Мишра, С.Пеирис, Е.Лавров, Е.Капозуговлар тадқиқотларида ўрганилган.

ЯИМ ҳажми ва барқарор ўсиш суръатларини ошириш, унинг таркибий қисмлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш, мазкур кўрсаткич ўсишининг сифат даражасини ўрганиш билан боғлиқ тадқиқот ишлари МДХ мамлакатларидаги қатор олимлар изланишларида маълум даражада тадқиқ этилган⁶. Жумладан, ЯИМнинг тармоқ таркибини таҳлил қилиш ва баҳолаш Р.Кучуков, А.Шулус, А.Аганбегян, А.Илларионов, И.Пивоварова, ЯИМнинг

/Р. Лукас: пер. с англ. Д.Шестакова. – М.: Изд-во Ин-та Гайдара, 2013. – 288 с.; E.Korso. Inclusive growth analysis and HRV: a methodological note. 2011 // http://siteresources.worldbank.org/INTDEBTDEPT/Resources/46898013164_57581843/TPIGandHRV.pdf; K.Sen. Inclusive Growth: When May We Expect It?When May We Not? // https://openaccess.adb.org/bitstream/handle/11540/4104/Volume%2031_No%201_2014_05.pdf?sequence=1; P.Vellala, M.Madala, U.Chhattopadhyay. A Theoretical Model for Inclusive Economic Growth in Indian Context // http://www.ijhssnet.com/journals/Vol_4_No_13_November_2014/27.pdf; C.Aoyagi, G.Ganelli. Asia's Quest for Inclusive Growth Revisited. 2015, International Monetary Fund // <https://www.imf.org/external/pubs/ft/wp/2015/wp1542.pdf>; R.Anand, S.Mishra, and S.Peiris. Inclusive Growth: Measurement and Determinants. 2013, International Monetary Fund // <https://www.imf.org/external/pubs/ft/wp/2013/wp13135.pdf>; Лавров Е., Капогузов Е. Экономический рост: теории и проблемы. – Омск: Изд-во ОмГУ, 2006; Шараев Ю. Теория экономического роста [Текст] /Ю.Шараев: Гос. Ун-т – Высшая школа экономики. – М.: Изд. Дом. ГУ ВШЭ, 2006. – 254 с.

⁶ Шулуc А. Социоэкономические приореты развития страны // Международная экономика. – №8, 2008. – стр.5-7.; Кучуков Р. Современная экономика России и проблема ее конкурентоспособности в условиях глобализации // Международная экономика. - №8, 2008. – стр.22-36.; Лавров Е., Капогузов Е. Экономический рост: теории и проблемы. – Омск: Изд-во ОмГУ, 2006; Шараев Ю. Теория экономического роста [Текст] /Ю.Шараев: Гос. Ун-т – Высшая школа экономики. – М.: Изд. Дом. ГУ ВШЭ, 2006. – 254 с; Аганбегян А. Социально-экономическое развитие России. – 3-е изд. – М.: Дело, 2005. – 272 с; Илларионов А. Реальный валютный курс и экономический рост // Вопросы экономики. – М.: 2002. №2. – стр.19-48; Илларионов А., Пивоварова И. Размеры государства и экономический рост // Вопросы экономики. – М.: 2002. №9. – стр.18-45; Балацкий Е., Павлеченко Р. Иностранные инвестиции и экономический рост: теория и практика // Мировая экономика и международные отношения. – М.: 2002. №1. – стр.52-64; Балацкий Е. Отношение к неравенству доходов: количественная оценка // Экономист. – М.: 2007. № 6. – стр.39-49; Ясин Е. Развитие постсоветской экономики: из прошлого в будущее // Вопросы экономики. – М.: 2017. №6. – стр.5-21; Ясин Е, Акиндинова Н., Якобсан Л., Яковлев А. Состоится ли новая модель экономического роста в России? // Вопросы экономики. – М.: 2013, №5. стр.4-39; Босчаева З. Формула экономического роста. – М.: ЗАО «Издательство «Экономика», 2007. – 366 с.; Хубиев К. Теоретические и практические вопросы экономического роста // Экономический рост и вектор развития современной России // Под ред. К.Хубиева. – М.: Экономический факультет МГУ, ТЕИС, 2004. – стр.27; Губанов С. Темпы роста и воздействие на них государства // Экономист. – М., 2003. №6. – стр.19-32; Губанов С. Рост без развития и его пределы // Вопросы экономики. – М., 2006. №6. – стр.14-31; Губанов С. Новая целевая задача и условия ее решения // Экономист. – М., 2008. № 3. – стр.3-21.

барқарор ўсиш суръатларини инновацион ривожланиш ҳисобига таъминлаш Е.Балацкий, Р.Павлеченко, Е.Ясин, Н.Акиндинова, Л.Якобсан, А.Яковлевлар, ЯИМ ўсишига хом-ашё ресурслари экспортнинг таъсири З.Босчаева, К.Хубиев ва С.Губановларнинг илмий изланишларида чуқур ўрганилган.

Миллий маҳсулотнинг таркибий тузилиши, ҳажми ва уни кўпайтириш омиллари ўзбекистонлик олимлар томонидан ҳам муайян даражада ўрганилган ва тадқиқотлар давом этмоқда. Жумладан, ЯИМнинг тармоқ таркибининг ўзгариш тенденциялари, унинг ўзига хос хусусиятлари ва иқтисодий ўсиш барқарорлигини таъминлаш омиллари⁷, ЯИМни МХТ қодалари асосида ҳисоблаш ва уни халқаро таққослаш муаммолари⁸, Ўзбекистонда техника тараққиёти, қайта ишловчи саноат тармоқларини ривожлантириш, таркибий ўзгаришлар асосида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва унинг умумназарий жиҳатлари⁹, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда давлатнинг роли¹⁰, иқтисодий ўсиш самарадорлиги ва сифати мезонлари¹¹, ЯИМ ҳажмини оширишнинг эконометрик моделлари¹² илмий тадқиқот ишларида баён этилган.

Бироқ амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари ва олиб борилган илмий-назарий изланишларнинг деярли барчасида бир томонлама ёндашувга йўл қўйилиб, миллий маҳсулот фақат қиймат тарафдан тадқиқ қилинган,

⁷ Чепель С.В. Экономический рост за годы независимости: факторы, проблемы и перспективы // Экономические обозрения. – №6, 2003. – с.39; Маматов А.А. Шақлланаётган бозор муносабатлари тизимида ялпи ички маҳсулот. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши. – Тошкент. ЎЗМУ. 2002.; Аманов Э.Э. Ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида иқтисодий ўсиш ва унинг омиллари. // и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши. – Тошкент: ТДИУ, 2005; Ишмухамедов А.Э. ва бошқ. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 191 б.; Вахобов А. Барқарор иқтисодий ўсиш омиллари // Бозор, пул ва кредит. – Т., 6/2011. – 38-42 б.

⁸ Алимов Р.А. Методологические проблемы построения системы национальных счетов Республики Узбекистан: Автореферат дисс. на соис. учен. степ. док. экон. наук // ТашГУ. – Т.: 1993.; Ғойибназаров Б.К. Миллий ҳисоблар тизими. – Т.: Адабиёт жамғармаси, 2004. – 106 б.; Мамбетжанов Қ.Қ. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида миллий ҳисоблар тизimini такомиллаштиришнинг назарий асослари. // и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши. – Тошкент: ТМИ, 2012.; Набиев Х.Н., Набиҳўжаев А., Махмудов Б.М. Миллий ҳисоблар тизими. – Т.: 1998. – 118 б.; Абдуллаев Ё. Макроиктисодий статистика. 100 савол ва жавоб. – Т.: Мехнат, 1998. – 382 б.

⁹ Шодмонов Ш., Ғафуров У. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: Молия-иқтисод, 2010. – 779 б.; Шодмонов Ш., Алимов Р., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: Молия, 2002. – 416 б.; Джалилов Х. Истеъмол сарфлари ва ялпи ички маҳсулот ўртасидаги боғланишнинг статистик тадқиқот усулларини такомиллаштириш (МХТ асосида). и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши. – Тошкент: ТДИУ, 2004; Вахобов А. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг методологик жиҳатлари // Ўзбекистон иқтисодиётини институционал ривожлантириш: ютуқлар, муаммолар, ечимлар. Илмий-амалий анжуман материаллари. – Т.: ТДИУ, 2016. – 8-б.

¹⁰ Абулқосимов Х., Беркинов Б. Давлатнинг макроиктисодий сиёсати. – Т.: Akademiya, 2007. – 198 б.; Абулқосимов Х. Макроиктисодий тартибга солиш ва Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши. Монография. – Т.: Akademiya, 2011. – 188 б.; Соатов Н.М. Статистика. Дарслик. – Т.: Абу Али Ибн Сино, 2003. – 660 б.; Абдугаффаров А., Зокирова М., Қорабоев А. Миллий ҳисоблар тизими. – Т.: 2002. – 87 б.

¹¹ Махмудов Н. Иқтисодий ўсиш моделлари ва улардан макроиктисодий таҳлилда фойдаланиш йўллари // Иқтисод ва молия. – Т.: 2016, №3. – 2-8 б.; Махмудов Н.М. Макроиктисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлашда пул-кредит сиёсатининг ролини ошириш йўллари // Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ТДИУ. 2015, – 23-29 б.; Шодиев Т. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, интеллектуаллаштириш ва диверсификациялаш асосида иқтисодий ўсиш сифатини ошириш // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. – Т., 2011, №1.

¹² Мухаммедов Ю. Барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсишнинг омиллари ва эконометрик моделлари (Ўзбекистон Республикаси мисолида): Иқт.фан.док. ... дис.: ТДИУ, – Т., 2006. – 504 б.; Қаюмова И. Ўзбекистонда иқтисодий ривожланишнинг янги сифат босқичи жараёнларини эконометрик тадқиқоти. Иқт. фан. док. ... дис. – Т., 2012. – 289 б.

унинг асосий жиҳати, яъни ижтимоий нафлилиги эса эътибордан четда қолган. Бажарилган илмий тадқиқот ишларида ЯИМнинг яратилиш жараёни, унинг таркибий қисмлари ҳаракат шакллари ва улар ўртасидаги боғлиқлик ёритилмаган. Мазкур ҳолатлар муаммонинг долзарблик даражасини янада оширди ва ушбу мавзунини танлашга асос бўлди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФМ-1 “Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни прогноزلанишнинг илмий-методик асослари ва усуллари такомиллаштириш”, ИТД-2 “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш”, ОТ-Ф1-154 “Миллий иқтисодиёт таркибий ўзгаришининг ялпи ички маҳсулот ўсишига таъсирини баҳолаш методологиясини такомиллаштириш” лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади миллий маҳсулотнинг мазмуни, яратилиш жараёнлари ва кўпайтириш омилларини ёритиш, унинг таркибий қисмлари ўртасидаги боғлиқлик ва уларнинг ҳаракат шакллари такомиллаштириш орқали ЯИМ ҳажми ҳамда ўсиш суръатларини таъминлашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

миллий маҳсулотнинг мазмуни, таркиби ва ҳаракат шакллари тўғрисидаги турли хил назариялар эволюциясини чуқур ва танқидий таҳлил қилиш;

миллий маҳсулотнинг мазмуни, таркиби ва ҳаракат шакллари тадқиқ қилишнинг янги ҳақиқатларини кўрсатиш;

миллий маҳсулотнинг мазмуни ва турли даврларда ҳаракат шакллари ўзгаришининг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш;

Ўзбекистонда ЯИМнинг ишлаб чиқариш таркиби ва ҳаракат шакллари ўзгариш тенденцияларини таҳлил қилиш;

ЯИМдан омилли даромадлар шаклланишининг ўзига хос хусусиятларини ёритиш;

ЯИМнинг тақсимланишида амортизация ажратмаларининг улуши ва улардан самарали фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш;

ялпи ишлаб чиқариш ҳажмида оралиқ маҳсулот ва қўшилган қиймат нисбатини оптималлаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

ЯИМда истеъмол сарфлари ва инвестициялар нисбати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш йўллари аниқлаш;

ЯИМ ҳажми, таркиби ва ҳаракат шакллари ўртасидаги барқарор боғлиқликни таъминлаш омилларини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида яратилган ЯИМ ва унинг ҳаракати олинган.

Тадқиқотнинг предметини ЯИМнинг яратилиши, тақсимланиши, айирбошланиши ва истеъмоли жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқоти жараёнида диалектик, тарихийлик ва мантиқийлик, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, иқтисодий-математик моделлаштириш, статистик, корреляцион ва регрессион таҳлил, эксперт баҳолаш, илмий абстракциялаш ва бошқа усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ЯИМни тадқиқ қилиш ва таъриф беришда нафақат қиймат, шу билан биргаликда нафлилик жиҳатдан ҳам ёндашишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги асосланган;

мамлакатда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнат унумдорлиги даражаси ҳамда ЯИМнинг таркибий қисмлари ўртасидаги муносибликни аниқлашда ялпи ишлаб чиқариш умумий ҳажми, қўшилган қиймат миқдори ва меъёри кўрсаткичларидан фойдаланиш илмий асосланган;

ЯИМнинг тақсимланишида жадаллашган амортизация усулини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида, кўп сменаликда банд бўлган ҳамда лизинг асосида фойдаланилаётган асосий воситаларга нисбатан жорий қилинишини рағбатлантириш ва ундан такрор ишлаб чиқариш жараёнида самарали фойдаланиш йўллари кўрсатилган;

ЯИМ ҳажми ва ўсиш суръатларини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг истиқболдаги стратегиясини ишлаб чиқиш, корхонада банд бўлганларнинг асосий қисми битирувчи талаба ва ўқувчи бўлган тақдирда барча солиқ турларидан озод этиш ҳамда молиявий хизматлар кўрсатиш амалиётини жадаллаштиришга қаратилган давлат механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

ялпи ишлаб чиқариш ҳажмида реал сектор корхоналарининг эскирган асосий фондларини янгилаш ва самарасиз ишлаётган корхоналарни соғломлаштириш орқали оралиқ маҳсулот ҳамда қўшилган қиймат ўртасидаги нисбатни оптималлаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган;

ЯИМ таркибида инновацион товар ва хизматлар улушини оширишда инновацион ҳамкорлик бўйича махсус зоналар яратиш, иқтисодиётнинг хусусий секторида новаторлик фаолиятни рағбатлантириш, инновацияларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ЯИМ ҳажми ва унинг таркибий қисмлари ўртасидаги муносибликка таъсир қилувчи омиллар ўртасидаги боғлиқликни очиб беришни таъминловчи услубий ёндашув такомиллаштирилган;

ЯИМни яратишда унинг ҳар бир бирлигига тўғри келадиган сарф-ҳаражатлар миқдорини камайтириш ва юқори қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини берувчи ялпи ишлаб чиқариш

ҳажмида оралик маҳсулот ва қўшилган қиймат нисбатини оптималлаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган;

мамлакатда такрор ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш ва амортизация фонди орқали инвестицияларни рағбатлантириш мақсадида жадаллаштирилган амортизация ажратмаларидан самарали фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар берилган;

ЯИМ таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда инновацион товар ва хизматларнинг улушини оширишга ёрдам берувчи инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий статистик маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, диссертация ишида олинган илмий хулоса ва таклифлардан келажакда ЯИМ ҳажми ва ўсиш суръатларини ошириш, унинг таркибий қисмлари ва ҳаракат шаклларини такомиллаштиришга қаратилган махсус мустақил илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкин. Ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг жорий этилиши республикада ЯИМ ҳажми, таркиби ва ҳаракат шакллари ўртасидаги боғлиқликни янада чуқур ўрганишга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация ишида ишлаб чиқилган амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг Макроиктисодий индикаторлар ва миллий ҳисоблар бошқармасида ЯИМ ва унинг таркибий қисмлари ҳаракатини тартибга солиш ва ҳисоблаш жараёнида фойдаланиш билан белгиланади.

Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида “Миллий ҳисоблар тизими”, “Статистика”, “Макроиктисодиёт”, “Иқтисодиёт назарияси” фанлари ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Миллий маҳсулотнинг ҳажми, таркибий қисмлари ва ҳаракат шакллари ўртасидаги боғлиқликни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

иктисодий амалиётга ялпи ишлаб чиқариш умумий ҳажми, қўшилган қиймат миқдори ва меъёри тушунчаларини киритиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигида ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичларини ҳисоблаш бўйича амалиётга татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 2 февралдаги ММ-1-3/7-10-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши мамлакатда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнат унумдорлиги даражаси ҳамда ЯИМнинг таркибий қисмлари ўртасидаги мутаносибликни аниқлашга

ёрдам берган;

ЯИМни яратиш жараёнида жадаллаштирилган амортизация ажратмаларидан самарали фойдаланиш бўйича берилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасида асосий капитал истеъмоли, баланси, капитал билан операциялар ҳисоби кўрсаткичларини ҳисоблаш жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси 2018 йил 24 январдаги 01/1-03-17/2-4-сон маълумотномаси). Илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида иқтисодиёт тармоқлари бўйича ишлаб чиқариш жараёнида асосий капитал истеъмоли кўрсаткичларини шакллантириш, асосий фондлар баланси, капитал билан операциялар ҳисоби кўрсаткичларини ҳисоблаш методологиясини такомиллаштириш ва уларнинг таҳлилий аҳамиятини оширишга эришилган;

ЯИМ ҳажми ва ўсиш суръатларини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш бўйича берилган таклифлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаоллигини ошириш йўллари бўйича дастур ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 2 февралдаги ММ-1-3/7-10-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши мамлакатда ЯИМ ҳажмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда улар томонидан яратиладиган инновацион маҳсулотлар улушининг ошишига олиб келган;

ялпи ишлаб чиқариш ҳажмида оралиқ маҳсулот ва қўшилган қиймат нисбатини оптималлаштириш бўйича берилган таклифлари Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 24 январдаги 01/1-03-17/2-4-сон маълумотномаси) ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигида мамлакатда юқори қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича дастур лойиҳаларини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2018 йил 2 февралдаги ММ-1-3/7-10-сон маълумотномаси). Илмий таклифларнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасида статистик-таҳлилий маълумотлар, жумладан, тармоқлар ялпи ишлаб чиқариш ҳажми, оралиқ истеъмол ва ялпи қўшилган қиймат ўртасидаги нисбатларни ифодаловчи кўрсаткичлар сифатини ошириш ҳамда уларни ҳисоблаш услубиятини такомиллаштиришга эришилган;

миллий маҳсулот ҳажми ва ўсиш суръатларининг ошишига бевосита таъсир қиладиган омиллардан бири бўлган фан-техника тараққиёти ва инновацияларни ривожлантириш йўналишлари бўйича ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан Республикада ЯИМ таркибида инновацион товар ва хизматлар улушини ошириш бўйича чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт

вазирлигининг 2018 йил 2 февралдаги ММ-1-3/7-10-сон маълумотномаси). Мазкур илмий таклифнинг амалиётга жорий қилиниши мамлакатда инновацион ҳамкорлик бўйича махсус зоналар яратиш ва инновацион фаолиятни рағбатлантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 дан ортиқ республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш, шу жумладан, 2 та илмий монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 227 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва илмий аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг республикада олиб борилаётган фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги ва синовдан ўтганлиги, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Миллий маҳсулотнинг мазмуни, таркибий қисмлари ва ҳаракат шакллари тадқиқ қилишнинг назарий-услубий асослари”** деб номланган биринчи бобида миллий маҳсулотнинг мазмуни, таркибий қисмлари ва уларнинг ҳаракат шакллари ўртасидаги боғлиқлик тўғрисидаги турли хил назариялар чуқур таҳлил қилиниб, унинг мазмунига янгича таъриф берилган, уни тадқиқ қилишнинг услубий жиҳатлари ишлаб чиқилган ва турли даврларда ҳаракат шакллари таҳлилининг ўзгариш хусусиятлари кўрсатиб берилган.

Илмий изланишлар ва кузатишлар натижасида миллий маҳсулот тушунчаси, ўз даврининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ҳар хил, яъни, миллий бойлик, миллий даромад, миллий маҳсулот ёки ижтимоий маҳсулот ва шу каби номлар билан талқин қилинганлиги аниқланди.

Ҳозирги кунгача миллий маҳсулот тушунчасига берилган таърифларни чуқур таҳлил қилиш асосида улар томонидан бир қатор масалаларнинг эътибордан четда қолганлиги аниқланди. Жумладан, уларнинг аксарияти миллий маҳсулотнинг мазмуни, таркиби ва ҳаракат шакллари таҳлилини ўрганиш

жараёнига микро ёки тармоқ даражасида қарашган ва мазкур тушунча таркибий қисмларининг мазмуни, ҳаракат шаклларининг ўзгариши ва функционал вазифалари етарлича ёритилмаган. Бундан ташқари, миллий маҳсулот таркибий қисмлари ва ҳаракат шаклларининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига фаол таъсири ўрганилмаган ҳамда бажарилган тадқиқотларнинг кўпчилигида ушбу масалага фақат бир томонлама ёндашиб, маҳсулотнинг фақат қиймат томонига эътибор қаратилган.

Фикримизча, яратилган миллий маҳсулот ҳажми, мазмуни ва таркибини тушуниш ва таҳлил қилишда икки томонлама, яъни нафлилик ва қиймат жиҳатидан ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Чунки бусиз миллий маҳсулотнинг асл мазмунини ёритиш қийин бўлади.

Шунинг учун ишимизда ЯИМ тушунчасига қуйидагича таъриф берилган:

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) – бир йил мобайнида, мамлакат ҳудудида яратилган, ижтимоий нафлилик ва қиймат хусусиятларига эга бўлган, пировард товар ва хизматларнинг бозор нархларидаги умумий миқдоридир.

Иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш, уни инсонлар манфаатини, уларнинг эҳтиёж ва талабларини қондиришга қаратилиши ҳозирги даврда миллий маҳсулотни ҳар томонлама тадқиқ қилишнинг услубий жиҳатларини такомиллаштиришни тақозо этади.

ЯИМнинг ҳажми, таркибий қисмлари ва улар ўртасидаги боғлиқликни тадқиқ қилишда тизимлилик, мантиқийлик ва изчиллик тамойилига амал қилиш, ЯИМнинг таркибий тузилиши, айниқса, унинг ишлаб чиқариш жараёнида шаклланган таркибий қисмлари ва уларнинг функционал вазифаларини ёритиш, унинг такрор ишлаб чиқариш фазаларидаги ҳаракат шаклларини ўрганиш, бу ҳаракат шаклларининг, бир томондан, шу маҳсулотни яратаётганлар, иккинчи томондан, давлат бюджети ва у орқали аҳоли даромадлари, учинчи томондан, мамлакатнинг кейинги тараққиёти билан чамбарчас боғлиқлигига, ЯИМ таркибий қисмлари ва ҳаракат шаклларининг такомиллашиб бориши ҳамда шу орқали иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришга таъсир этишига эътиборни кўчайтириш лозимлиги асосланган.

Фикримизча, ушбу айтилган услубий йўналишлар ичида ЯИМ ҳажми, таркиби ва ҳаракат шакллари ўртасидаги боғлиқликни такомиллаштиришда икки томонлама ёндашув ва таҳлил усулига алоҳида эътибор бериш лозим. Чунки, бу услубсиз юқорида айтиб ўтилган масалаларнинг биронтасини ҳам ҳал қилиб бўлмайди. Бу икки томонлама ёндашув барча товар ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналарда содир бўлади ва натижада икки хил хусусиятга, ижтимоий нафлилик ва ижтимоий қийматга эга бўлган товар ва хизматлар миқдори (ЯИМ) вужудга келади. Бу, бир томондан, нафлиликка эга бўлган товар ва хизматлар, иккинчи томондан, қийматнинг моддийлашган ифодаси, яъни пуллар ҳаракатидан иборат бўлади. Кейинги босқичда бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, қарама-қарши турган товарлар ҳамда пуллар ҳаракатини тартибга солиш, бошқариш зарурати

вужудга келади ва у амалга оширилади. Самарали бошқарув, ўз навбатида, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлайди (1-расм).



1-расм. ЯИМ ҳаракатига қиймат ва нафлилик жиҳатдан ёндашув¹³

Бундан кўринадики, ЯИМни тадқиқ қилишга икки ёклама тавсиф тўғрисидаги илмий концепция учта муҳим услубий функцияни бажаради:

- 1) илмий тушунчалар тизимини яратиш ва тартиблаштириш;
- 2) иқтисодий муносабатларнинг келиб чиқиш сабаблари (генетик асоси) шаклланиб, унинг қарор топиши, ривожланиш жараёнини билиш ва ойдинлаштириш;

3) иқтисодиётда содир бўлаётган ва амал қилаётган муносабатларни бир тизимга келтириб, тизимли таҳлил қилиш ва бошқариш имконини беради.

Ушбу баён қилинган услубий йўналишлар миллий маҳсулотнинг мазмуни, таркибий қисмлари, такрор ишлаб чиқариш фазаларидаги ҳаракат шаклларини ва, ниҳоят, унинг ҳар бир таркибий қисмининг функционал вазифаси ва ролини ёритишни ҳам осонлаштиради.

Маълумки, ЯИМ уч хил, яъни қўшилган қиймат, ҳаражат ва даромадлар усули бўйича ҳисобланади. Ҳар бир усул ўзига хос вазифаларни бажаради ва мамлакат иқтисодиётини ҳар томонлама таҳлил қилишга ёрдам беради. Масалан, қўшилган қийматлар бўйича ҳисобланган ЯИМ иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари ўртасидаги мутаносибликни, ҳаражатлар бўйича ҳисобланганда яратилган товар ва хизматлардан фойдаланиш жараёнини, даромадлар бўйича ҳисобланганда эса ЯИМнинг тақсимланишида шаклланидиган омилли даромадлар, яъни, иш хақи, фойда, фоиз ва давлат бюджети даромадлари даражасини кўрсатади.

¹³ Муаллиф ишланмаси

Ҳозирги кунда республикада ЯИМ асосан қўшилган қийматлар усулида ҳисобланмоқда. Ушбу усул мамлакатда ЯИМнинг тармоқ таркибини таҳлил қилишга имкон беради.

Қўшилган қиймат ишлаб чиқарилган барча товар ва хизматлар қийматидан, уларни яратишда ишлатилган хом-ашё, материал, энергия, ёқилғи ва шу кабиларни, яъни оралиқ маҳсулотни чиқариб ташлаш орқали аниқланади:

$$ҚҚ = ЯИЧХ - Ор.М (1)^{14}$$

Бу ерда:

ҚҚ - қўшилган қиймат; **ЯИЧХ** - ялпи ишлаб чиқариш ҳажми; **Ор.М** - оралиқ маҳсулот.

Демак, бу ерда ялпи ишлаб чиқариш ҳажми қўшилган қийматлар ва оралиқ маҳсулотлар йиғиндисига тенг, яъни:

$$ЯИЧХ = Ор.М + ҚҚ (1)^{15}$$

Бу формуладан ЯИЧХ (ялпи ишлаб чиқариш ҳажми)нинг ўзгариши қайси омил ҳисобига бўлаётганини аниқлаш мумкин.

Агар ЯИЧХ қўшилган қиймат ҳисобига ошса, бу ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошаётганлигидан ёки, аксинча, оралиқ маҳсулот ҳисобига бўлса, у ҳолда самарадорликнинг пасайиб кетаётганлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам ҳукумат томонидан юқори қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулот яратишга жуда катта аҳамият берилмоқда. Маҳсулотнинг юқори қўшилган қийматга эга бўлиши, унинг ҳажми, яъни массасига боғлиқ. Ушбу массанинг самарадорлик даражаси эса қўшилган қийматнинг нормасига боғлиқ бўлади.

Йил давомида олинган қўшилган қийматлар йиғиндиси қўшилган қиймат массаси, унинг ялпи ишлаб чиқариш ҳажми (ЯИЧХ)га нисбати эса қўшилган қиймат нормаси деб юритилади. Қўшилган қиймат нормаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$ҚҚн = (ҚҚ/ЯИЧХ)*100 (2)^{16}$$

Бу ерда: **ҚҚн** - қўшилган қиймат нормаси.

Қўшилган қиймат нормаси мамлакатда яратилаётган товар ва хизматларда унинг улуши қанчалигини кўрсатади. Қўшилган қиймат нормаси қанча юқори бўлса, иқтисодиёт шунчалик барқарор, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва аҳоли турмуш даражаси ҳам шунга мос равишда юқорилигини билдиради.

Лекин тадқиқотларимиз ҳозирги кунгача нафақат республикада, балки, умуман, миллий ҳисоблар тизимида (МҲТ) ҳам ушбу кўрсаткичлар ҳисобланмаслигини кўрсатди. Ваҳоланки, қўшилган қиймат массаси ва нормаси иқтисодий фаолият самарадорлигини ифодаловчи энг асосий кўрсаткичлардандир. Шунинг учун ҳам ушбу кўрсаткичларни иқтисодий амалиётга тадбиқ қилиш мақсадга мувофиқдир.

¹⁴ Муаллиф ишланмаси

¹⁵ Муаллиф ишланмаси

¹⁶ Муаллиф ишланмаси

Диссертациянинг “�збекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ҳаракат шакллари ва ишлаб чиқариш таркибининг ўзгариш тенденциялари” деб номланган иккинчи бобида ялпи ишлаб чиқариш ҳажмида оралиқ маҳсулот ва қўшилган қиймат нисбатининг ўзгариши, ЯИМ ҳаракат шакллари қиймати ва таркибининг ўзгариши тенденциялари, ЯИМнинг тармоқ, ҳудудий, мулкӣ таркиби ва улардаги ўзгаришлар динамикаси ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган ва келгуси даврлар учун прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Ялпи ишлаб чиқариш ҳажмида оралиқ маҳсулот ва ялпи қўшилган қиймат нисбатининг ўзгариш тамойиллари ЯИМни ишлаб чиқариш самарадорлигига баҳо беришнинг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Таҳлиллар республикада охириги 17 йилда (2000-2017 й.й.) ялпи ишлаб чиқариш ҳажми (ЯИЧХ)да оралиқ маҳсулот улуши барқарор пасайиб, ялпи қўшилган қиймат (ЯҚК) салмоғи шунга мос равишда ортиб бориш тавсифига эга бўлганлигини кўрсатди. Бу даврда улар улуши ўртасидаги фарқ ялпи қўшилган қиймат кўрсаткичи фойдасига 7,9 %га ортган, яъни ЯИМнинг қайд қилинган ҳажмини ишлаб чиқариш учун 2017 йилда 2000 йил билан таққослаганда 7,1 %га кам қайта ишлаш, ишлов бериш ва қайта сотиш мақсадидаги маҳсулотлар ишлатилган¹⁷.

Республика иқтисодиётидаги бу ижобий тамойиллар, бир томондан, ялпи ишлаб чиқариш ҳажмида хом-ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар улуши камайиб, пировард товар ва хизматлар салмоғи ортиб бораётганлигини, бошқа томондан, иқтисодий ва молиявий ресурслар сарфида тежамкорлик омилларининг аҳамияти ўсаётганлигини билдиради.


Миллий ишлаб чиқариш самарадорлиги ва аҳоли фаровонлигини ошириш талаби ялпи ишлаб чиқариш ҳажмида оралиқ маҳсулот улушини қисқартириш ҳисобига қўшилган қиймат салмоғини ўстириб боришни тақозо этади.

Фикримизча, юқори қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш учун маҳаллийлаштириш жараёни кўламини янада кенгайтириш, оралиқ маҳсулот улушини қисқартириб боришда иқтисодиётнинг мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тўлароқ фойдаланиш, реал сектор корхоналарининг эскирган асосий фондларини янгилаш, хом-ашё, материаллар ҳамда энергия ташувчи ресурсларни тежаб-тергаб сарфлаш, самарасиз ишлаётган корхоналарни соғломлаштириш бўйича фавқулодда зарур чора-тадбирларни амалга ошириш зарур.

ЯИМнинг тармоқ таркибини ўрганиш – яхлит иқтисодиётнинг таркибига кирувчи алоҳида тармоқларнинг шу маҳсулотни яратишдаги ўрни ва ҳиссасини аниқлашга ёрдам беради.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатда яратилаётган ЯИМнинг таркибида саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаларнинг ўрни ва ҳиссаси салмоқли ўринни эгаллайди (2-расм).

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.



2-расм. Ўзбекистонда ЯИМнинг тармоқ тузилиши ва унинг ўзгариш динамикаси, % ҳисобида¹⁸

Кейинги йилларида саноат тармоғи ва хизматлар соҳасининг ривожланиш салоҳиятини янада кенгайтирилиши натижасида ЯИМ таркибида қишлоқ хўжалиги улушининг (2000 йилда 34,4 фоиздан 2017 йилда 19,2 фоизга) босқичма-босқич камайиш тенденцияси сақланиб қолди. Шу билан бирга, ЯИМ таркибида қишлоқ хўжалиги улушининг камайиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ижобий ўртача йиллик ўсиш суръатлари фонида содир бўлди.

Амалга оширилган таҳлиллар жараёнида республикада 2000-2017 йилларда ЯИМ ҳажми ўсишига таъсир этаётган тармоқларнинг ўрни ва роли ўрганилди (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистонда ЯИМ ва иқтисодиёт тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари, % да¹⁹

Йиллар	ЯИМ	Саноат	Қишлоқ хўжалиги	Хизматлар	Инвестициялар
	Y	X ₁	X ₂	X ₃	X ₄
2000	103,8	101,3	103,1	105,4	101,0
2005	107,0	103,8	105,4	107,6	105,7
2006	107,5	106,2	106,7	107,8	106,1
2007	109,5	106,6	106,1	112,5	106,7
2008	109,0	106,8	104,5	112,3	107,4
2009	108,1	104,1	105,8	106,8	108,2
2010	108,5	106,0	106,9	111,0	108,7
2011	108,3	104,0	106,6	111,4	108,5
2012	108,2	105,3	107,2	109,3	107,9
2013	108,0	107,0	106,9	107,8	108,3
2014	108,0	105,5	107,0	108,5	109,1
2015	107,9	105,4	106,8	108,4	109,6
2016	107,8	105,0	106,6	109,3	107,7
2017	105,3	107,0	102,0	108,9	107,1

¹⁸ <http://stat.uz/press-sluzhba/novosti-gks/1451-makroiqtisodiy-ko`rsatkichlari-tahlili>

¹⁹ <http://stat.uz/press-sluzhba/novosti-gks/1451-makroiqtisodiy-ko`rsatkichlari-tahlili>

1-жадвал маълумотлари асосида энг кичик квадратлар усули ёрдамида регрессион боғлиқлик тенгламаси тузилди. Ушбу усул ва олинган кўрсаткичлар орқали қуйидаги тенгламалар системаси ишлаб чиқилди:

$$\begin{cases} 1821.4 = 4a + 1782.8b_1 + 1806b_2 + 1837.1b_3 + 1807.3b_4 \\ 191050.6 = 1782.8a + 187005.4b_1 + 189416b_2 + 192705.3b_3 + 189580.1b_4 \\ 193512.3 = 1806a + 189416b_1 + 1806b_2 + 195171.4b_3 + 192025.4b_4 \\ 196903.3 = 1837.1a + 192705.3b_1 + 195171.4b_2 + 198651b_3 + 195391.6b_4 \\ 193707.6 = 1807.3a + 189580.1b_1 + 192025.4b_2 + 195391.6b_3 + 192255.3b_4 \end{cases}$$

$$y = 13.9577 + 0.28x_1 + 0.025x_2 + 0.3x_3 + 0.26x_4$$

Юқоридаги кўп омилли регрессион моделга кўра, агар мамлакатда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1 фоизга ошса, ЯИМ ҳажми 0,28 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1 фоизга ошса, ЯИМ 0,025 фоизга, хизматлар соҳаси 1 фоизга ошса, ЯИМ 0,3 фоизга, инвестициялар ҳажми 1 фоизга ошса, ЯИМ 0,26 фоизга ошади.

Бугунги кунда республикада ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтириш масалалари энг долзарб муаммолардан бўлиб қолмоқда. Ушбу муаммоларни бартараф қилиш мақсадида “Ҳаракатлар стратегияси”да “Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш...”²⁰ энг долзарб масалалардан бири сифатида белгилаб қўйилди.

ЯИМда ҳудудлар улуши уларнинг мамлакат иқтисодий салоҳиятида тутган ўрнини тавсифлайди ва унинг ортиб бориши мазкур минтақа иқтисодий мавқеи мустаҳкамланаётганлигини англатади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда республиканинг турли ҳудудларида (12 та вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри) олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар ўз натижасини бермоқда. Лекин ушбу соҳада қўлга киритилаётган натижалар турли хил ҳудудларда бир-биридан фарқланади. Ўзбекистон ЯИМда ҳудудлар улуши кескин фарқ қилиб, 2017 йилда унинг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳрига (15,5%) тўғри келган бўлса, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари (мос равишда 10,3 ва 7,4 фоиз кўрсаткич билан) кейинги ўринларни эгаллаган. Энг пастки кўрсаткич эса Сирдарё вилоятига (2,0%) тўғри келган. Ундан кейинги паст кўрсаткич Жиззах (2,3%) ва Хоразм (3,3%) вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (3,3%) қайд этилади. Уларнинг мазкур кўрсаткич бўйича фарқланиш даражаси 7,7 баробарга яқинни ташкил қилган.

Ўзбекистон ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва иқтисодий ўсиш суръатларидаги тенгсизликлар бир қатор объектив сабаблар – бозор ислохотларининг дастлабки давридаги ҳудудий ривожланиш даражасидаги фарқлар, ҳудуднинг инвестицион жозибадорлиги, иқтисодий-географик ривожланиши, инфратузилманинг ривожланганлик

²⁰ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. http://strategy.gov.uz/uz/pages/action_strategy

даражаси, инновацион салоҳияти ва бошқа кўпгина омиллар билан изоҳланади.

Республика ҳудудларида меҳнат унумдорлиги ва фондлар самарадорлиги таҳлили шуни кўрсатдики, ушбу кўрсаткичларни ижобий ҳолатга олиб келиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширилиши лозим:

- вилоятлар бўйича меҳнат унумдорлиги даражасининг кескин фарқланишини бартараф қилиш;

- меҳнат унумдорлигида паст кўрсаткичларга эга бўлган вилоятларни унинг республикадаги ўртача даражасига яқинлаштириб бориш;

- асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигидаги фонд қайтими ўсиб бориш тамойилларини сақлаб қолиш, унинг пасайиши кузатилган айрим ҳудудларда (Қорақалпоғистон Республикаси ва Жиззах вилояти) мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тўла ва самарали фойдаланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

- фонд қайтими паст бўлган вилоятлар кўрсаткичини республикадаги ўртача даражага яқинлаштириш ва шу орқали асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини умумий тарзда ўстириб бориш.

Диссертациянинг учинчи боби **“Ялпи ички маҳсулотдан фойдаланиш ва тақсимлаш жараёнларида ҳаракат шакллари ва ўзгариш хусусиятлари”** деб номланиб, унда ЯИМда истеъмол сарфлари ва инвестициялар нисбатининг ўзгариш тенденциялари, ЯИМдан омилли даромадлар шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари, ЯИМнинг тақсимланишида амортизация ажратмаларининг улуши ва ундан самарали фойдаланиш йўллари кўрсатилган.

ЯИМ пировардида истеъмол товарлари, хизматлар ва инвестицион воситалар сифатида ишлатилади.

Истеъмол ва ялпи инвестициялар жамиятдаги барча сарфларнинг таркибий қисмлари сифатида ЯИМнинг пировард истеъмол қилинишини таъминлайди. Айтилган вақтда, истеъмол ва инвестициялар миқдор ўлчамлари бўйича бир бутун қиймат (ЯИМ)нинг алоҳида таркибий қисмлари ҳисобланади. Шу сабабли ресурсларнинг мавжуд даражасида инвестицияларнинг кўпайиши истеъмолни чеклашга олиб келади. Истеъмолнинг ўсиши, ўз навбатида, инвестициялар ҳажмини камайтиради.

Таҳлил қилинган даврда ЯИМда истеъмол ва инвестиция меъёри ўртасидаги нисбат иккинчиси фойдасига ўзгариб, 2000 йилдаги 4,1:1,0 дан, 2017 йилда 2,2:1,0 ни ташкил қилган (2-жадвал).

Ўзбекистонда истеъмол ва инвестиция меъёри (нормаси) ҳамда уларнинг ўзгариши (ЯИМга нисбатан % ҳисобида)²¹

Кўрсаткичлар	Йиллар									
	2000	2005	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017
Истеъмол меъёри	80,4	72,0	64,8	65,7	68,0	69,0	70,2	69,6	70,3	70,9
Жамғариш меъёри	19,6	28,0	26,6	26,6	31,1	30,3	29,5	30,4	31,6	2,3
Истеъмол ва инвестиция меъёри нисбати	4,1:1	2,6:1	2,4:1	2,5:1	2,2:1	2,3:1	2,4:1	2,3:1	2,2:1	2,2:1

Инвестиция меъёри ва унинг истеъмолга нисбатининг пасайиб бориши иқтисодий ўсиш мақсадлари ҳисобга олинганда бир қатор қарама-қарши оқибатларга эга.

Биринчидан, инвестиция меъёрларининг пасайиши ҳар доим ҳам иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиши билан бирга бормаслиги мумкин. Чунки инвестиция меъёри пасайиб борган шароитда ҳам унинг самарадорлиги ортиб борса, бу иқтисодий ўсиш суръатларига ижобий таъсир кўрсатади.

Иккинчидан, инвестиция меъёри пасайганда, унинг самарадорлиги ортиб бориши ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши билан бирга рўй бермаслиги, бироқ иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайишига таъсир қилиши мумкин. Бу бир хил инвестиция меъёрига эга бўлган мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатлари турлича бўлишида кўринади.

Учинчидан, инвестиция меъёрининг пасайиши кўп ҳолларда ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши билан бирга боради.

МДХ давлатларида ҳам ўтиш даврининг дастлабки босқичи (1990-95 йиллар)да ЯИМ ҳажмининг камайиб боришига асосий таъсир кўрсатган омил инвестиция меъёрининг пасайиб бориши бўлган. Бу даврда ЯИМда инвестициялар улуши Ўзбекистонда 32,2 %дан 24,2 %гача, Россияда 30,1 %дан 18,2 %га, Қозоғистонда 40,6 %дан 17,9 %гача тушиб кетган.

Иқтисодчилар фикрича, ЯИМ да ялпи инвестицияларнинг мақсадга мувофиқ меъёри 28-30 %ни, шу жумладан, асосий капиталга йўналтирилгани 20-23 %ни ташкил қилиши лозим²².

ЯИМни янгидан яратиш ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этган асосий капитални қайта тиклаш орқали амалга оширилади. Ўз навбатида, асосий капиталнинг қайта тикланиши корхона ва ташкилотларда амортизация ажратмаларининг доимий ва тартибли равишда амалга оширилиши билан боғлиқ.

Ишлаб чиқариш жараёнида асосий капиталнинг эскириши муқаррар, шунинг учун уни такрор ҳосил қилиш, яъни янгилаш энг устувор

²¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

²² Сакс Д., Ларрен Ф. Макроэкономика. Глобальный подход. – М., 1996. – С.615; Вопросы экономики. 1997. № 1. – С.89.

вазифалардан бири ҳисобланади. Республикада саноат тармоқлари бўйича ишлаб чиқаришдаги асосий капитал эскириши ва уларнинг янгиланиш жараёнлари таҳлили мамлакатда ушбу соҳада зудлик билан ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолар мавжудлигини кўрсатди (3-жадвал).

3-жадвал

Республика саноат тармоқларида асосий капиталнинг эскириш ва янгиланиш даражаси²³ (йил охирига асосий капитал жами қийматига нисбатан фоизда)

	2000	2005	2010	2015	2016	2017
Асосий капиталнинг эскирганлик даражаси	57,4	52,8	43,1	41,6	39,4	38,1
Асосий капиталнинг янгиланиш даражаси	9,1	10,6	12,4	13,7	16,1	19,4
Асосий капиталнинг эскириш ва янгиланиши ўртасидаги фарқ	6,3	4,9	3,5	3,1	2,4	1,9

3-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, мамлакатда таҳлил қилинган даврда (2000-2017) асосий капитал эскириши ва уларнинг янгиланиши бўйича фарқ 3,3 баробарга, яъни 2000 йилда эскириш ва янгиланиш ўртасидаги нисбат 6,3 баробарни ташкил қилган бўлса, 2017 йилга келиб бу кўрсаткич 1,9 гача қисқарган. Албатта, бу ижобий натижа. Лекин таъкидлаш жоизки, республикада ҳали-ҳануз асосий капиталнинг эскириши ва уларнинг янгиланиши ўртасидаги тафовут жуда катталигича қолмоқда. Бу ҳозирги кунда саноатнинг айрим соҳаларида эскирган, ўз хизмат муддатини ўтаб бўлган техника-технологиялардан фойдаланилаётганлигидан далолат беради. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётда такрор ишлаб чиқариш жараёнининг сустлашувига, унинг беқарорлашувига, охир-оқибатда номутаносибликларга олиб келади. Шунинг учун ҳам республикада иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларини модернизациялаш, эскирган воситаларни янги, унумдор ва арзон воситалар билан янгилаш жараёнларини янада жадаллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Илмий кузатишлар республика иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги шароитида реновацияга мўлжалланган амортизация ҳатто оддий такрор ишлаб чиқариш шароитини ҳам таъминламаётганлигини кўрсатди.

Республикадаги кўпчилик саноат корхоналари асосий капиталнинг катта қисми эскирган. Уларда эскирган машина ва ускуналарнинг улуши 2017 йилда ўртача 38,1 %ни ташкил қилади, айтилиши вақтда, улардан кўпчилиги 10 йилдан ортиқ фойдаланилган. Озиқ-овқат саноати асосий фондларининг эскириши – 55 %дан кўпроқни, машинасозлик ва металга ишлов бериш саноатида – 48,8 %ни, қурилиш материаллари саноатида – 47,4 %ни ташкил қилади. Асосий техник ускуналар 70-75 %га эскирган бўлиб, уларни алмаштириш катта миқдордаги инвестицион маблағларни талаб қилади²⁴.

Кейинги даврларда ФТТ тезлашган шароитда асосий воситаларнинг эскириши, айниқса, маънавий эскиришнинг жадаллашиши ҳисобга олиниб, жадаллашган амортизация ажратиш усули қўлланилмоқда. Бу усулни қўллаш

²³ Ушбу жадвал Ўзбекистон саноати. Статистик тўпламлар (2001 й., 2006 й., 2011 й., 2016 й., 2017 й.) асосида муаллиф томонидан тузилди.

²⁴ Ушбу таҳлил Ўзбекистон саноати. Статистик тўпламлар (2001 й., 2006 й., 2011 й., 2016 й., 2017 й.) асосида муаллиф томонидан тузилди.

аниқ тармоқларнинг ривожланишини, техникавий қайта қуролланишларга инвестицияларни ва, умуман, инвестицион фаолликни рағбатлантиради, бироқ у пировардида, ЯИМнинг нафлилиги ўзгармаган ҳолда, кўчган қиймат ҳисобига унинг қиймати ўсишини таъминлайди. Бунда жадаллашган амортизация усулининг афзаллиги асосий капиталга қилинган харажатлар бир қисмининг тез қопланиши ва вақт омили ҳисобига ютишидадир. Бошқача айтганда, мазкур усул жамғаришни тезлаштириш, техника тараққиётини ўстириш ва маънавий эскиришдан кутиладиган зарарни камайтириш мақсадида амортизацияни белгиланган муддатдан олдин ҳисоблашни рағбатлантириб, иқтисодий ўсишнинг қўшимча молиявий манбаларини вужудга келтиради.

Фикримизча, республика иқтисодиёти, унинг алоҳида тармоқлари, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишнинг ҳозирги даражаси ва мавжуд асосий капиталлардан фойдаланиш ҳамда улар тақсимланиши самарадорлиги барча асосий воситаларга жадаллашган амортизация усулини бирданига қўллашда бир қатор қийинчиликлар туғдиради. Шу сабабли мазкур усулни қўллашга табақалашган тарзда ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Бунда устуворлик, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлароқ ва юқори самарадорликда фойдаланаётган ҳамда фан-техника тараққиётининг энг охириги натижаларини ўзида мужассамлаштирган тармоқ, соҳа ва асосий капитал турларига берилиши мақсадга мувофиқ. Республикада жадаллашган амортизация усулини қўллашга мойил бўлган бундай соҳаларга автомобилсозлик, кимё, тўқимачилик, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва шу каби бошқа тармоқ корхоналарини киритиш мумкин. Уларда фойдаланишнинг дастлабки даврида асосий капитал қийматини жадаллашган амортизациялаш инвестициялар учун қўшимча молиявий манбаларни вужудга келтиради. Шунингдек, жадаллашган амортизация усули орқали кўчган қийматнинг ортиб, асосий капиталда мужассамлашган қийматнинг камайиб бориши маънавий эскириш (қиймат бўйича) хавфи остида рўй бериши кутиладиган молиявий йўқотишлар ҳажмини камайтиради.

Фикримизча, мамлакат иқтисодий тараққиётининг ҳозирги босқичида жадаллашган амортизация усулини рағбатлантиришда қуйидаги йўналишларга устуворлик бериш мақсадга мувофиқдир:

1. Жадаллашган амортизация усулини, энг аввало, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларида банд бўлган асосий воситаларга нисбатан жорий қилинишини рағбатлантириш лозим.

2. Халқаро тажрибадан келиб чиқиб, “агрессив” муҳит шароитида ва кўп сменаликда банд бўлган асосий воситаларга ҳам жадаллашган амортизация усулини қўллашни рағбатлантириш зарур.

3. Лизинг асосида фойдаланилаётган асосий воситаларга нисбатан жадаллашган амортизация усулларини рағбатлантиришга жуда катта аҳамият бериш зарур.

4. Жадаллашган амортизация усулини қўллашда навбатдаги устуворлик миллий ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилган инвестицион товарлардан

фойдаланувчиларга берилиши лозим. Бу, биринчидан, асосий воситаларнинг мамлакат ичида ишлаб чиқарилишини рағбатлантирса, бошқа томондан, республика импортида машина ва ускуналар улуши нисбатан юқори даражани (45-50 %) ташкил қилиб турган ҳозирги шароитда унинг янада ортиб боришини қисман бўлса-да чеклайди.

Диссертациянинг **“Ялпи ички маҳсулот ҳажми, таркиби ва ҳаракат шакллари ўртасидаги барқарор боғлиқликни таъминлаш омиллари”** деб номланган тўртинчи бобида иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш орқали ЯИМ ҳажмини ўстириш ва сифат таркибини такомиллаштириш йўллари, ЯИМнинг барқарор ўсишини таъминлашда ишчи кучи ресурсларининг самарали бандлигига эришишнинг аҳамияти, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш орқали ялпи ички маҳсулот ҳажмини ошириш ва таркибини такомиллаштириш йўллари, ЯИМ ҳажми ва таркиби ўртасидаги барқарор боғлиқликни таъминлашда фан-техника тараққиёти ва инновацион фаолликни ривожлантиришнинг аҳамиятини ошириш бўйича бир қатор илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

ЯИМ ҳажми ошиши ва таркибининг такомиллашишида иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар жуда катта аҳамиятга эгадир. Ўзбекистонда таркибий қайта қуришлардан кўзланган асосий мақсад республика иқтисодиёти тармоқ тузилишини ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти тузилмасига яқинлаштиришдан иборат²⁵.

Республикада таҳлил қилинган даврда иқтисодиёт таркибий тузилиши соҳасидаги ўзгаришлар ўз самарасини кўрсатди. Масалан, институционал қайта қуришларда ижобий силжишлар рўй берди, иқтисодиётнинг муҳим стратегик тармоқлари (ёнилғи-энергетика мажмуаси, машинасозлик, металлургия, кимё, ғаллачилик)ни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда фаол давлат сиёсатини ўтказиш ҳисобига мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ва энергетик мустақиллик муаммосини ҳал қилишга эришилди, қишлоқ хўжалигида ижобий таркибий силжишлар рўй берди ва унинг ЯИМдаги салмоғи камайиш тенденциясига эга бўлди.

Ўрганилган даврда иқтисодиётда таркибий қайта қуришлардаги ижобий натижалар билан бирга, бир қатор омиллар, яъни асосий капиталнинг мавжуд ҳолати (машина ва ускуналарнинг жисмоний эскириш даражаси ўртача 45-50 %ни ташкил қилади), вужудга келтирилган ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасининг пастлиги, маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги пастлиги, бозор инфратузилма объектлари етарлича ривожланмаганлиги ва молиявий беқарорликка эга корхоналар улуши юқори бўлиб турганлиги унинг суръатларига салбий таъсир кўрсатган.

Фикримизча, республикада ЯИМ тармоқ тузилишини такомиллаштиришда қуйидаги йўналишлардаги чора-тадбирларга устуворлик бериш мақсадга мувофиқдир:

²⁵ Мазкур гуруҳ мамлакатлар ЯИМ да иқтисодиётининг турли секторлари улуши қуйидаги нисбатларни ташкил қилади: саноат – 32 %, қишлоқ хўжалиги – 4 %, қурилиш – 6 %, хизмат кўрсатиш соҳаси – 55 %.

- халқаро савдо ва жаҳон бозорида нисбий устунликка эга бўлган анъанавий тармоқлар, яъни енгил, озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалигининг рақобатбардошли соҳалари, газни қайта ишлаш, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, туризм ва автомобилсозликни ривожлантиришга устуворлик бериш;

- республикада ЯИМ ишлаб чиқаришнинг тармоқ тузилишини унда саноат маҳсулотлари, айниқса, инновацион товарлар улушини ўстириб бориш ҳисобига сезиларли такомиллаштириш;

- экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантиришда саноатни индустриаллаштириш, яъни қайта ишловчи саноат улушини босқичма-босқич ўстириб, яқин келажакда 70-75 %гача етказиш;

- ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги номутаносибликни қисқартириш (3-5 %гача).

Мамлакатда ЯИМни яратиш, унинг ҳажми ва ўсиш суръатларини ошириш жараёнида “меҳнатга қобилиятли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, ишчи кучи сифатини ошириш, ишга жойлаштиришга мухтож шахсларни касбий тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш”²⁶ масалалари энг устувор вазифалардан саналади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, республикада ЯИМ ҳажмининг ошишида ишчи кучи ресурслари миқдори ва уларнинг иқтисодиётда банд бўлиши жуда катта аҳамиятга эга. Охириги йилларда республика ва унинг ҳудудларида, аҳоли сони ошиши билан бирга, унинг таркибидаги ишчи кучи ресурслари ва уларнинг бандлик даражаси ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Республика ва унинг барча ҳудудларида 2000 йилда ишчи кучи ресурслари 12,5 млн., иқтисодий фаол аҳоли 9,02 млн., бандлар эса 8,9 млн. кишини ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2016 йилга келиб мос равишда 6 млн., 5 млн., 4,4 млн. кишига ортган²⁷. Бунинг натижасида шу даврда мамлакатда ЯИМ ҳажми ҳам шунга мос равишда ортган.

Фикримизча, мамлакатда самарали бандликка эришиш орқали ЯИМнинг барқарор ўсишини таъминлашга меҳнатга лаёқатлилиқ ёшнинг қуйи чегарасини 18 ёш, юқори чегарасини эса аёллар учун 58 ёш, эркаклар учун эса 63 ёш қилиб ўзгартириш ва ишсизларни ишга жойлаштиришда хусусий секторнинг иштирокини кучайтириш мақсадга мувофиқдир. Бу республикада ёшлар камида 18 ёшда (асосан 19 ёшда) меҳнат бозорида илк бора ишчи кучи сифатида намоён бўлишларини, баъзи тармоқ ва лавозимларда нафақа ёшидагилар меҳнати дискриминациясининг олди олинишини, шу билан бирга, пенсия ёши чегарасида бўлган аҳолининг даромадлари ошиши, уларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларига тўловлар ҳажми кўпайиши, давлат бюджетига тушумлар (даромад солиғи, ижтимоий


²⁶ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. http://strategy.gov.uz/uz/pages/action_strategy

²⁷ <https://stat.uz/uz/statinfo/demografiya-va-mehnat/aholi-bandligi/2435-2000-2016-yillarda-mehnat-resurslari-va-aholi-bandligi-ming-kishi>

тўловлар) кўпайиб, унинг ҳаражатлари (трансферт тўловлар) камайишини таъминлайди.

Мамлакатда ЯИМ ҳажми, ўсиш суръатлари ва аҳоли даромадларини ошириш ҳамда бандликни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг ўрни бекиёсдир. 2017 йилда янги саноат корхоналарини куриш, хизмат кўрсатиш объектларини ишга тушириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 336 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди²⁸. Бундан ташқари, Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан 2018 йилнинг “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб номланиши ҳам ушбу соҳа ривожланиши мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг бош омили эканлигини англатади.

ЯИМ таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушининг юқорилиги борасида Ўзбекистон дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторига киради, десак муболаға бўлмайди. Мамлакатда кичик бизнес субъектлари сонининг юқори суръатларда ўсиши, қулай ишбилармонлик муҳитининг яратилиши, ягона солиқ тўлови ставкаларининг пасайтирилиши, ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларидан фойдаланишга рухсат бериш шартларининг соддалаштирилиши ҳамда кичик бизнес субъектларини йирик компаниялар билан кооперация алоқаларининг кучайиши натижасида унинг ЯИМдаги улуши 2000 йилдаги 31,0 фоиздан 2017 йилда 53,3 фоизга ёки 22,3 фоиз бирликка сезиларли даража ўсди (3-расм).



3-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши (фоизда)²⁹

Мазкур соҳа иқтисодиётнинг етакчи бўғинига айланишида мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, бизнесни юритиш билан боғлиқ барча жараёнларни янада либераллаштириш, соддалаштириш ва арзонлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://xs.uz/index.php/homepage/rasmij/item/12611>

²⁹ <https://stat.uz/uz/432-analiticheskie-materialy-uz/2031-o-zbekiston-respublikasida-kichik-biznes-va-xususiy-tadbirkorlikning-rivojlanishi>

молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар муҳим роль ўйнамоқда.

Тадқиқотлар, мамлакатда ушбу соҳада эришилган ютуқларга қарамадан, улар фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, тўсқинлик қилаётган бир қатор омилларни бартараф қилиш ҳамда ушбу масала бўйича меъёрий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш зарурлигини кўрсатди.

Фикримизча, мамлакатда ЯИМ ҳажми ва ўсиш суръатларини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг истиқболли концепциясини ишлаб чиқиш, корхонада банд бўлганларнинг асосий қисми битирувчи талаба ва ўқувчи бўлган тақдирда барча солиқ турларидан озод этиш, кичик ва микро корхоналарда ишга жойлашган касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув муассасаларининг битирувчиларини 5 йилгача ишчиларнинг чекланган сони ҳисобига киритилмаслигини белгиловчи меъёрни жорий этиш, молиявий хизматлар кўрсатиш амалиёти ва “ягона дарча” фаолиятини такомиллаштириш зарур.

Бундан ташқари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун тижорат банклари томонидан кредитлаш ҳажмларини оширишда асосий эътиборни мижозлар, аҳоли ва хорижий инвесторларнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилишнинг таъсирчан ва рағбатлантирувчи механизмларини яратиш ҳамда банклар даромадининг солиқдан озод қилинган қисми ҳисобига шаклланган маблағларидан уларнинг капиталлашиш даражасини оширишда самарали фойдаланиш зарур. Бу тижорат банкларида узоқ муддатли ресурслар етишмаслиги шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бериладиган инвестицион кредитлар ҳажмининг ошиши, инвестицион кредитлардан оладиган даромадлар миқдорининг кўпайиши, қишлоқ жойларида кичик корхоналар сони, уларнинг ишлаб чиқариш ва молиявий салоҳиятининг ошиши ҳамда аҳоли бандлигига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда “...илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш”³⁰ масалалари энг устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Шу сабабли республикада охириги йилларда турли хил соҳаларда инновациялар яратилиб, амалиётга жорий қилинди. Бу мамлакатда тадбиркорлик секторида инновацион товар ва хизматларни ўзлаштиришга бўлган қизиқиш ва бунда давлатнинг рағбатлантирувчи ролининг юқорилиги натижасидир.

Мамлакатда, инновацияларнинг ривожланиш тенденциялари билан бирга, илмий изланишлар жараёнида умумий ҳолда республикада

³⁰ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. http://strategy.gov.uz/uz/pages/action_strategy

инновацион муҳитни ривожлантиришда бир қатор муаммолар мавжудлиги аниқланди:

- инновацион инфратузилманинг алоҳида таркиблари, инновацион тадбиркорлик ва мустақил инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлашнинг махсус молиявий механизми мавжуд эмаслиги;

- фан ва технологияларни ривожлантиришнинг давлат томонидан аниқланган устувор йўналишларини рўёбга чиқаришнинг ҳақиқий механизми қарор топмаганлиги;

- ижро ҳокимлигининг алоҳида органлари молиялаштирадиган инновацион ишларни самарали уйғунлаштириш имкониятлари чекланганлиги;

- илмий ташкилотлар, таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида кооперация алоқаларининг ривожланмаганлиги;

- республикадаги етакчи саноат корхоналари инновацион фаоллиги пастлиги, яъни инновацион салоҳияти камлиги, фаолиятини кенгайтириш учун айланма маблағлар етишмаслиги, янги ишланмалар қимматлиги, иқтисодий таҳлика ва қоплаш муддатининг узоклиги;

- инновацион соҳаларнинг информацион жозибadorлиги, кичик инновацион тадбиркорлик ривожланиш даражаси, аҳоли ва тадбиркорлар инновацион маданиятининг пастлиги.

Фикримизча, юқорида қайд этилган муаммоларни қуйидаги йўналишлар бўйича ҳал қилиш мумкин.

- ЯИМ таркибида инновацион маҳсулотлар улушини ўстиришнинг асоси ҳисобланган фундаментал фанларни ривожлантириш;

- инновацион ҳамкорлик бўйича махсус зоналар яратиш;

- илмий тадқиқот, таълим ва инновацияларни қўллаб-қувватлашга бюджетдан молиялаштириладиган сарфлар ҳажмини улардан самарали фойдаланиш талабини ҳисобга олиб, босқичма-босқич ўстириб бориш;

- молиялаштиришнинг ташқи манбаларини жалб қилиш ва қўлами инвестицион лойиҳаларини ишлаб чиқишга лаёқатли йирик хўжалик юритувчи субъектларни вужудга келтириш сиёсатини ишлаб чиқиш;

- таълим сифатини ошириш, инновацион ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни таъминлаш.

ХУЛОСА

Диссертация ишида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар чиқарилди:

1. Республикада ЯИМнинг ҳажми, унинг таркибий тузилиш ва ҳаракат шаклларидаги ўзгаришлар амалга оширилган ислоҳотлар, иқтисодий эркинлаштириш ва тизимли таркибий ўзгаришлар натижаларини ифодалайди.

2. Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликка эришишга қаратилган чора-тадбирлар ЯИМ ҳажмининг нисбий ўсиб боришини таъминлаган бўлса, амалга оширилган туб таркибий ислоҳотлар унинг тузилиши ва ҳаракат шаклларидаги ижобий ўзгаришларни келтириб чиқарган. Республика

ЯИМнинг ўсиш суръатлари миллий ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш натижаси ҳисобланса, унинг тузилишидаги сифат ўзгаришлар чуқур таркибий ўзгаришлар оқибатини ифодалайди.

3. Миллий маҳсулотнинг қиймат ифодаси унинг ҳаракат шакллари ва таркибий қисмлари ўртасидаги ички боғлиқлик ва алоқадорликни ифодалайди. Бу боғлиқликлар миллий маҳсулот таркибидаги мутлақ ва нисбий миқдорларнинг кўпайиш ёки камайиш томонга ўзгаришига қараб (нархлар доимий бўлиб қолганда) бевосита ёки билвосита тарзда намоён бўлиши мумкин. Жумладан, миллий маҳсулот таркибида кўчган ёки янгидан вужудга келган қиймат миқдорининг ўзгариши унинг ҳажмининг ҳам худди шундай йўналишда ўзгаришига олиб келади.

4. ЯИМ тушунчасига “Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) – бир йил мобайнида, мамлакат ҳудудида яратилган, ижтимоий нафлилик ва қиймат хусусиятларига эга бўлган, пировард товар ва хизматларнинг бозор нархларидаги умумий миқдоридир” деб таъриф бериш мақсадга мувофиқдир.

5. Мамлакатда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнат унумдорлиги даражаси ҳамда ЯИМнинг таркибий қисмлари ўртасидаги мутаносибликни аниқлашда иқтисодий амалиётга ялпи ишлаб чиқариш умумий ҳажми, қўшилган қиймат массаси ва нормасини ифодаловчи кўрсаткичларни жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.

6. Миллий маҳсулотнинг намоён бўлиш шакллари (ЯММ, ЯИМ, ЖИМ) уларни ҳисоблаш “тартиби”дан келиб чиқиб, миқдорий фарқ қилса-да, таркибий тузилиши ва ҳаракат шакллари бўйича ўхшаш ҳамда бир хил боғлиқликни ифодалайди.

7. Миллий ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми қиймат тузилиши бўйича оралиқ маҳсулот ва қўшилган қийматлар йиғиндисидан иборат бўлади. Миллий ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми ортиб ёки оралиқ маҳсулот улуши камайганда нафақат ЯИМ ҳажми ортади, балки миллий хўжалик иқтисодий самарадорлиги ҳам ўсади.

8. ЯИМ қиймат тузилишида “кўчган қиймат” улушининг ошиши, унинг нафлилиги ўзгармаган ҳолда қиймат ўсишини таъминлайди. Бунда инвестицион воситалар, истеъмол товарлари ва хизматлар унинг ашёвий тузилишини ташкил қилиб, уларнинг ҳажми ўзгармасдан қолаверади.

9. ЯИМнинг ҳудудий тузилишини такомиллаштиришда асосий эътибор маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг меҳнат тақсимотидаги ўрнини ҳисобга олиб, табиий-иқтисодий ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш, уларнинг ривожланиши республикадаги ўртача даражадан паст бўлган ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

10. ЯИМнинг қиймат тузилишини такомиллаштириш маҳаллийлаштириш дастурларини изчил амалга ошириш орқали, импорт қилинадиган ресурслар улушини камайтириб бориш, ялпи ишлаб чиқариш ҳажмида оралиқ маҳсулот салмоғини қисқартириб, ялпи қўшилган қиймат мутлоқ ва нисбий миқдорини мутаносиб ўстиришга йўналтирилиши зарур.

Бу ЯИМ бирлигига барча моддий хом-ашё, энергия ва меҳнат ресурсларининг тежамкорлигини ҳам таъминлаб беради.

11. ЯИМда истеъмол ва инвестиция сарфлари нисбати бир томондан: янгидан яратилган қийматда уларнинг оптимал меъёрларига эришиб боришига қаратилиши, бошқа томондан, иқтисодий фаровонликни ўстириб, миллий ишлаб чиқаришни янги техника ва замонавий технология асосида такомиллаштириб, кенгайтириб боришга йўналтирилиши зарур.

12. ЯИМ ҳажмида кўчган қийматни асосий капиталга ҳисобланадиган амортизация ажратмалари суммасига мувофиқлаштириш, амортизация нормасида асосий воситаларнинг жисмоний ва маънавий эскириш жараёнларининг даражасини тўлароқ ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади. Бунда амортизациянинг асосий капитални такрор ишлаб чиқаришдаги роли ошиб ва фан-техника тараққиёти таъсирида мазкур маблағлардан фойдаланиш имкониятининг чекланиб боришини ҳам ҳисобга олиш зарур бўлади.

13. ЯИМ ҳажми, таркиби ва ҳаракат шакллари ўртасидаги барқарор боғлиқликни таъминлашда иқтисодий ресурсларининг тўлиқ бандлигини таъминлаш муҳим ўрин тутаети. Бунда ишчи кучининг самарали бандлигига эришиш, иқтисодий ресурслардан фойдаланишнинг интенсив турига ўтиш, асосий капиталнинг ишдан чиқиш ва янгиланиш суръатлари ўртасида мутаносибликка эришиш, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш, асосий воситаларни янгилаш ва ишлаб чиқаришга янги технологияларни қўллашни рағбатлантириш муҳим ўрин тутаети.

14. ЯИМ ҳажмини ўстириш ва сифатини такомиллаштиришда иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш муҳим устувор йўналиш ҳисобланади. Бунда ЯИМда саноат ва қурилиш индустриясининг улушини босқичма-босқич ўстириб бориш, тайёр маҳсулот экспортини рағбатлантириш, саноатнинг асосий стратегик тармоқларини устун даражада ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш имкониятларини кенгайтиришга эътибор қаратилиши лозим.

15. ЯИМ ҳажми ва таркиби ўртасидаги барқарор боғлиқликни таъминлашда инновацион ривожланиш йўлига ўтиб бориш устувор йўналишлардан ҳисобланади. Бунда ишлаб чиқаришнинг инновацион-инвестицион жозибдорлигини ошириш, самарали илмий тадқиқотлар фаолиятига ўтиш, ишчи кучи салоҳиятини ошириш, миллий хўжаликни модернизациялашни жадаллаштириш, иқтисодиётда рақобатга лаёқатли инновацион секторларни вужудга келтириш, хусусий секторда инновацион ва илмий-техникавий фаолиятини фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.1.17.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ФИНАНСОВОМ
ИНСТИТУТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

АБДУЛЛАЕВ СУЮН АРТИКОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕОРЕТИКО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКОЙ
ОСНОВЫ ВЗАИМОСВЯЗИ ОБЪЁМА НАЦИОНАЛЬНОГО
ПРОДУКТА, ЕГО СОСТАВНЫХ ЧАСТЕЙ И ФОРМЫ ДВИЖЕНИЯ**

Специальность: 08.00.01 – Экономическая теория

АВТОРЕФЕРАТ

диссертации доктора экономических наук (DSc)

Ташкент-2018

Тема докторской диссертации зарегистрирована под номером 28.04.2016/В2016.2.1666 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном экономическом университете.

Афтореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский) размещен на веб-странице научного совета (www.tfi.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.zivonet.uz).

Научный консультант:	Шодмонов Шеркул Шодмонович доктор экономических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Абулкасимов Хасан Пирназарович доктор экономических наук, профессор Тухлиев Нурилом доктор экономических наук, профессор Муфтайдинов Қиёмиддин доктор экономических наук, профессор
Ведущая организация:	Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в __ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.I.17.01 по защите диссертаций на соискание ученой степени доктора экономических наук при Ташкентском финансовом институте по адресу: 100000, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 60-А. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-53-25, e-mail: tfi@mail.ru.

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского финансового института (зарегистрировано под номером__). Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 60-А. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-53-25, e-mail: tfi@mail.ru.

Афтореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года (протокол реестра __ от «__» _____ 2018 года).

Н.Х.Хайдаров

Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней доктора наук, д.э.н., профессор

С.У.Мехмонов

Учёный секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней доктора наук, д.э.н., профессор

Ж.И.Каримкулов

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней доктора наук, к.э.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и необходимость темы диссертации. Как известно, на сегодняшний день самая большая проблема, стоящая перед всеми странами мира, это увеличение объема ВВП и темпов его роста, так как это является экономическим источником благосостояния населения и ускорения развития страны. Однако во многих странах мира за последнее десятилетие объём и темпы роста ВВП, его часть, приходящая на душу населения, имеют тенденцию к снижению. Только начиная с 2016 года, после начала мирового финансово-экономического кризиса в 2008 году, начался заметный рост ВВП в некоторых странах. Поэтому в настоящее время проводятся научные исследования по разным направлениям, создаются программы, проекты и другие разработки по увеличению объема ВВП, обеспечению устойчивых темпов роста, совершенствованию его структурных компонентов и форм его движения.

На сегодняшний день, учитывая такую сложную ситуацию как интенсивность конкуренции и резкое изменение конъюнктуры мирового рынка, а также растущую численность населения страны и его спроса на потребительские товары, были поставлены задачи обеспечения развития экономики республики и устойчивого темпа роста производимого ВВП. Вопросы, поставленные в стратегических задачах Республики Узбекистан, рассчитанные на дальнейшее развитие страны «увеличение объема ВВП страны к 2030 году по меньшей мере в 2 раза...»³¹, «Укрепление макроэкономической стабильности и поддержание высоких темпов экономического роста»³², а также в «Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» определено «...обеспечение высоких темпов роста валового внутреннего продукта»³³ и согласно всем поставленным вышеуказанным задачам, увеличение объема национальной продукции республики и темпов её роста, необходимость совершенно нового подхода к проблеме, является одной из наиболее насущных вопросов сегодняшнего дня.

В настоящий момент страны мира разрабатывают систему мер в различных направлениях по увеличению объема и темпов роста национального продукта. Внедрение новых технологий в мировой экономике, усиление конкуренции в сфере рынков труда, товаров и услуг требуют дальнейшего развития инновационной деятельности и ее эффективной организации.

³¹ И.Каримов Наша главная цель – несмотря на трудности, идти вперед за счёт продолжения осуществляемых реформ, последовательных преобразований в экономике, дальнейшего предоставления широких возможностей частной собственности, малому бизнесу и предпринимательству. –Т.: “Узбекистан” 2016 г. 26-с.

³² Ш.М.Мирзиёев: Критический анализ, строгая дисциплина и личная ответственность – должны быть ежедневным правилом деятельности каждого руководителя. // Народное слов. 16.01.2017 г.

³³ “Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы”. http://strategy.gov.uz/uz/pages/action_strategy

Поэтому страны мира достигают увеличения своего национального производства не только за счет материальных ресурсов, но и внедрения в практику инновационных идей. Это приводит к увеличению доли инновационных товаров и услуг в ВВП стран мира, изменению образа жизни населения и значительному росту мировой экономики.

Данное диссертационное исследование в определённой мере послужит решению задач, поставленных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года и № УП-48-48 «О дополнительных мерах по обеспечению ускоренного развития предпринимательской деятельности, всесторонней защиты частной собственности и качественного улучшения деловой среды» от 5 октября 2016 года, в постановлениях № ПП-2692 «О дополнительных мерах по ускоренному обновлению физически изношенного и морально устаревшего оборудования, а также сокращению производственных затрат предприятий отраслей промышленности» от 22 декабря 2016 года, №ПК-3165 "О совершенствовании деятельности Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике" от 31 июля 2017 года и других нормативно-правовых актах.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации³⁴. Ведутся исследования по вопросам значения ВВП, его объёма и обеспечения роста на душу населения, а также совершенствования способов его расчёта и международных сравнений во многих ведущих мировых исследовательских центрах и вузах, таких как Economic Development Institute, World bank, Harvard University, Peterson Institute for International Economics, University of Chicago (США), Organisation for Economic Cooperation and Development (OECD) (Франция), World Intellectual Property Organization (WIPO) (Швейцария), Asia-Pacific Economic Cooperation (АПЕС) (Сингапур), Montpellier Business School (Франция), Oxford University (Великобритания), Organization for Small and Medium Enterprises and Regional Innovation (SMRJ) (Япония), The Institut für Mittelstandsforschung (IfM) (Германия), Институт экономической политики (ИЭП, Россия), Московский государственный университет (МГУ, Россия).

³⁴ Обзорение зарубежных научных исследований по теме диссертации подготовлено на основе сведений: <http://www.montpellier-bs.com/>; <http://www.doingbusiness.org/~media/WBG/DoingBusiness/Documents/Annual-Reports/English/DB16-Full-Report.pdf>; http://www.ncapec.org/docs/what_is_apec.pdf; <http://www.ecatrade.com/smgle-post/2016/03/30/Trans-Pacific-Partner-ship-Benefits-Small-and-Medium-Sized-Enterpri-ses-in-Global-Production-Chains>; <http://www.smrj.go.jp/index.html>; <http://www.wipo.int/portal/en/index.html>; http://www.meti.go.jp/english/press/2015/pdf/0424_01a.pdf; http://www.ifm-bonn.org/uploads/tx_ifmstudies/workingpaper0215.pdf.

В ряде проведённых в мире научных исследованиях по объёму национальной продукции, структурных компонентов и совершенствованию методов их расчёта получены следующие результаты: были разработаны рекомендации по группировке расходов конечных потребительских расходов некоммерческих организаций по методам исчисления ВВП по расходам (Economic Development Institute, World bank, Harvard University, Peterson Institute for International Economics, University of Chicago, США); даны научные рекомендации по оптимизации элементов валового накопления в соответствии с их эффективностью в структуре национального продукта (Organisation for Economic Cooperation and Development (OECD), Франция); указаны пути обеспечения социально-экономического развития посредством корреляционного и регрессионного моделирования факторов экономического роста (World Intellectual Property Organization (WIPO) Швейцария, Asia-Pacific Economic Cooperation (APEC), Сингапур, Montpellier Business School, Франция); представлены прямые и косвенные методы увеличения источников информации для расчета ВВП по доходам (Oxford University, Великобритания); раскрыты методологические пути обеспечения объёма и темпов роста ВВП путем совершенствования метода добавленной стоимости (Organization for Small and Medium Enterprises and Regional Innovation (SMRJ), Япония, The Institut für Mittelstandsforschung (IfM), Германия); разработаны предложения по совершенствованию механизма полного учета результатов теневой экономики в составе ВВП (Институт экономической политики, Московский государственный университет, Россия); Петербургский государственный университет, Россия).

В мире ведется ряд исследований в области совершенствования теоретико-методологических способов расчёта объёма ВВП и темпов его роста, в том числе, по следующим приоритетным направлениям: совершенствование методов расчета ВВП; разработка национальных счетов в целях полного охвата объёма ВВП, совершенствование порядка расчётов по формированию и распределению доходов, операций с капиталом; полное отражение результатов теневой экономики в составе ВВП; совершенствование механизмов полного охвата объема товаров, производимых в домашних хозяйствах и услуг в составе ВВП; совершенствование методологии международного сопоставления ВВП.

